

Темурийлар даврида яратылған "Хамса"ларнинг  
компаративистик тадирықи ва уларнинг  
Шарқ адабиети тарағыннан анықтамасы

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**ТЕМУРИЙЛАР ДАВРИДА ЯРАТИЛГАН  
“ХАМСА”ЛАРНИНГ КОМПАРАТИВИСТИК  
ТАДҚИҚИ ВА УЛАРНИНГ ШАРҚ АДАБИЁТИ  
ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ**

мавзудаги халқаро илмий-назарий анжуман

(6-7 ноябрь 2020 й)

*СамДУ кенгашининг  
2020 йил 29 сентябрдаги 2-сонли  
қарорига асосан нашрга тавсия этилган.*

Самарқанд - 2020

## УСМОНЛИ ТУРКЛАР ХАМСАНАВИСЛИГИДА АБДУРАХМОН ЖОМИЙ АНЬАНАЛАРИ

*Юсупова Дилнавоз Раҳмоновна\**

**Abstract:** The article discusses the role of Abdurakhman Djami's "Khamsa"(Quintuple) in the literary environment of the Ottoman Turks, which had a special place in the learning Khamsa (Quintuple) literature of the Timurid period. It is said that by the XVI<sup>th</sup> century. the Ottoman Turks had created Khamsa (Quintuple) under the influence of the Djami's quintuple. The quintuple of Yakhyobey Toshlidjoli is studied comparatively with Djami's Khamsa (Quintuple). The author of article concludes that the attitude towards learning Khamsa in Turkish literature is in many ways reminiscent of Persian literature.

**Key words:** learning Khamsa (Quintuple), Ottoman Turkish literature, tradition, meter, mystical and philosophical theme, romantic poems, meter hazaj.

Мусулмон Шарқи эпик поэзияси тарихи хамсанавислик анъанаси билан чамбарчас боғлиқ. Даставвал XIII асрда Низомий Ганжавий бешлиги орқали вужудга келган хамса жанри саккиз асрга яқин вақт давомида ўзининг юзлаб жавоб достонларига эга бўлди [Алиев, 1985].

Форс-тожик адабиётида Низомий бешлигига биринчи жавоб битган ижодкор Хусрав Дехлавий бўлса, Навоий бу вазифани туркий тилда адо этди. Гарчи туркий адабиётда Навоийгача “Хамса”нинг муайян достонига жавоб ёзилган бўлса-да (Аҳмадий. “Искандарнома”(XIV аср), Кутб. “Хисрав ва Ширин” (XV аср), Ҳайдар Хоразмий. “Махзан ул-асрор” (XV аср), Сайид Қосимий. “Мажмाъ ул-ахбор” (XV аср), лекин тўлиқ бешлик яратилмаган эди.

Алишер Навоий бешлигига хамсанависликнинг барча шартлариға қатъий амал қилинганликни кўрамиз, хусусан, достонларда кўлланилган вазилар ҳам Низомий бешлиги ўлчовларига мос келади. А. Эркиновнинг фикрича, Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоийлар саройга яқин шоир бўлганликлари учун уларнинг хамсанавислик шартларидан чекиниш имкониятлари нисбатан камроқ бўлган [Эркинов, 1988:122]. Дарҳақиқат, бу фикрда жон бор. Чунки Дехлавий ҳам, Навоий ҳам сарой талабига кўра шохлар билан боғлиқ достонларни ёзишлари қайсиdir даражада шарт эди.

Шу ўринда яна бир жиҳатга эътибор қаратиш керак бўлади. Дехлавий ҳам, Навоий ҳам хамсанависликка муносабат билдираётган биринчи ижодкорлар эди. Шу жиҳатдан бу икки ижодкор “буюк Низомий билан адабий мубоҳасага киришиш жараёнидаги мураккаб вазифа”ни [Алиев, 1985:57] амалга оширишда бир хил позицияда турганлар деб айтиш мумкин.

Дехлавийдан кейиноқ анъананинг бузилиш ҳоллари учрай бошлади. Хусусан, XIV асрнинг форсигўй адаби Ҳожу Кирмоний (баъзи манбаларда Ҳожу Ҳимматий)нинг 1332-1345 йиллар оралиғида яратилган бешлиги кўп жиҳатлари билан Низомий бешлигидан фарқ қиласади.

Кирмоний “Хамса”си “Хумой ва Ҳумоюн”, “Гул ва Наврӯз”, “Равзат ул-анвор”, “Камолнома” ва “Гавҳарнома” каби достонлардан иборат бўлиб, достонларнинг номланишиёқ анъанага муносабатдаги ўзгачаликни кўрсатяпти.

Кирмоний бешлигидаги биринчи достон “Хумой ва Ҳумоюн” деб аталиб, унда шаҳзода Ҳумой билан хитой маликаси Ҳумоюн орасидаги ишқий саргузашт қаламга олинади. Достон Низомий “Искандарномаси” битилган мутақориб баҳрида яратилган [Алиев, 1985:231]. Аслида ишқий достонларни мутақориб баҳрида битиш тамоили ғазнавийлар даври адабий муҳити (XI аср) учун хос хусусият бўлиб, бу давр ижодкорларидан Айюқийнинг “Варқаъ ва Гулшоҳ”, Унсурийнинг “Вомиқ ва Узро” достонлари шу шеърий ўлчовда яратилган эди. Бу ҳолат мазкур баҳрда биринчи бўлиб тўлиқ маснавий-достон яратган Фирдавсий анъанаси билан боғлиқ деб айтиш мумкин. Кирмонийнинг сўфиёна қарашларини ўз ичига олган “Камолнома” достони эса хафиф баҳрида яратилган.

Кирмоний достонларидағи шеърий ўлчов билан боғлиқ бу ўзгаришлар муаллифнинг хамсанавислик анъанасига муносабатда ўз йўналиши бўлганлигини кўрсатяпти.

\*Филология фанлари доктори, ТошДЎТАУ доценти

[mumtoza\\_dil@mail.ru](mailto:mumtoza_dil@mail.ru)

Хамсачилик тарихида форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бири Абдураҳмон Жомий (1414–1492) бешлиги алоҳида ўрин тутади<sup>1</sup>. “У – шоир, у – файласуф, у – филолог, у – мусиқашунос. Лекин шу билан бир қаторда у кўпроқ сўфий. Унинг учун борликини англашнинг икки кўриниши мавжуд – борлиқ сирлари ва ижод сирлари” [Конрад, 1972: 276].

Абдураҳмон Жомий “Хамса”сининг биринчи достони “Тухфат ул-аҳрор” 1481 йилда яратилган эди. Фалсафий-ахлоқий масалаларга бағишлиланган бу достон Низомий “Махзан ул-асор”ига жавоб тарзида вужудга келди. Достонлар номланишидаги оҳангдошлиқ, композицион қурилишдаги ўхашлик ва қўлланилган шеърий ўлчов бу фикрни тасдиқлади. Умуман, Жомийгача ҳам форс-тожик адабиётида Низомий бешлигидаги биринчи достонга муносабатда ўзгачалик сезилмайди. Бу жиҳат бевосита достонларда қўлланилган шеърий ўлчовга ҳам тегишили. Демак, Жомийнинг “Тухфат ул-аҳрор” достони анъанага мувофиқ сариъ баҳрининг сариъи мусаддаси матвийи макшуф вазнида яратилган эди:

*Гар-чи қа-лам| до-ди су-хан| до-да аст,  
– V V – – V V – – V –  
Бе-су-хан ў| ҳам зи су-хан| зо-да аст...  
– V V – – V V – – V –*

1482-83 йилларда “Хамса” нинг иккинчи достони “Субҳат ул-аброр” (“Яхши кишиларнинг тасбехи”) майдонга келди. Анъанага мувофиқ, хамсанинг иккинчи достони ишкий мавзуга бағишиланиши керак эди. Лекин Жомий бу ўринда анъанадан бутунлай чекиниб, фалсафий йўналишдаги яна бир достон яратади. Лекин у биринчи достон каби 20 та мақолатдан эмас, балки 40 та бўлим – “икд” (тасбех донаси)дан иборат бўлиб, хар бир назарий қисмдан кейин алоҳида хикоят ва муножот илова қилиб борилади.

Достон Жомийгача форс-тожик адабиётида деярли қўлланилмаган рамали мусаддаси маҳбуни маҳзуф (руқнлари ва тақтиби: фоилотун фаилотун фаилун –V– /VV– /VV–) вазнида яратилган эди. Навоий “Хамсат ул-мутаҳайирин”да Жомийгача бу вазнда ҳеч ким маснавий-достон яратмаганлигини таъкидлайди [Навоий, 1999: 58]. Дарҳақиқат, форс-тожик эпик поэзиясида Жомийгача мазкур вазнда яратилган достонни учратиш қийин. Бобур “Мухтасар”да Амир Хусрав Дехлавий “Нўҳ спехр”ининг бир спехрини ушбу вазнда битганлигини айтиб ўтади. Дарҳақиқат, “Нўҳ спехр”нинг 4-қисми рамали маҳбун вазнида яратилган. Навоий бу ўринда тўлиқ маснавий-достонни назарда тутганлиги учун Дехлавий асарини эслаб ўтмаган бўлиши мумкин. Кўринадики, Жомий форс-тожик адабиётида мазкур вазнда биринчи эпик достон яратган ижодкор экан<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> Адабиётшуносликда Жомийнинг “Хамса” ёзган-ёзмаганлиги билан боғлиқ баҳсли фикрлар мавжуд. Хусусан, М.Имомназаров ўзининг “Жомий “Хамса” ёзганми?” номли маколасида Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” хамда “Садди Искандарий” достонида келтирган фикрларига суюниб, Жомий достонларига “Хамса” тарзида эмас, балки еттилик –“Ҳафт авранг” шаклида қарашиб зарурлигини таъкидлайди [Имомназаров, 2005: 4]. Дарҳақиқат, Навоий “Лайли ва Мажнун”ни ёзаётган пайтида Жомий ҳакида сўзлар экан, уни “Гар “Хамса”ни этмайн мураттаб” деб эслаб ўтади ва Жомийнинг ҳали “Хамса” тартиб бермаганлигини айтади. Лекин Жомий вафот этгач, унга бағишилаган “Хамсат ул-мутаҳайирин” асари хотимасида Жомий ёзган ва Навоийнинг ўзи бевосита “алар хизматида таълим ва истифода юзидин ўкубмен” деб баҳо берган асарларни санаб ўтар экан, аввал “Хамса”, сўнгра “Ҳафт авранг” номларини келтиради ва уларни “мукобала” (жавоб) деб ҳисоблайди. Жомийнинг ўзи эса “Хирадномаи Искандарий” хотимасида ўз асарини “Панж ганж” деб атайди:

*Биё, Жомӣ, эй умрҳо бурда ранж,  
Зи хотир бурун дода ин “Панж ганж”.  
Шуд ин “панж” ат он панжса зўрёб,  
К-аз ўдасти даръё кафон дидо тоб.*

Шунингдек, Г.Алиев ўз тадқиқотида Низомий мавзуларига жавоб ёзган ижодкорлар қаторида Жомийни ҳам тилга олиб, унинг бешлиги “Тухфат ул-аҳрор”, “Субҳат ул-аброр”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Лайли ва Мажнун” хамда “Хирадномаи Искандарий” достонларидан таркиб топганлигини таъкидлайди. Жомийшунос А.Афсаҳзод ҳам Жомийнинг бадиий асарлари рўйхатини келтирап экан, юкорида санаб ўтилган достонларни “Хамса”ни ташкил қилувчи достонлар деб ҳисоблайди [Алиев, 1985: 100-104; Афсаҳзод, 1988: 60-65]. Биз ҳам юкоридаги фикрларга таянган ҳолда Жомийни бешлик яратган ижодкорлар қаторига киритиш тарафдоримиз.

<sup>1</sup> Али Асфар Ҳикмат Абдураҳмон Жомийдан кейин ҳам форс-тожик адабиётида мазкур вазнда маснавий - достон яратилмаганлигини таъкидлайди [Афсаҳзод, 1988: 62]. Ўзбек адабиётида Жомий достонидан чорак

Ҳақли савол туғилади: Нима учун Жомий “Субҳат ул-аброр” достонида анъанавий “Хамса” вазнларидан бирини қўлламади? Бу масалани икки жиҳатдан ўрганиш керак бўлади: биринчидан, “Субҳат ул-аброр” достони foявий-мундарижаси ва тузилиши жиҳатидан “Хамса” достонларидан ҳеч бирига жавоб бўла олмасди, шу сабабли унинг шеърий ўлчовини “Хамса” таркибидан қидириш унчалик тўғри бўлмайди. Достон янги (ноанъанавий) бўлганлиги учун унинг вазни ҳам ўзгача (эпик поэзияда қўлланилмаган) бўлиши керак эди. Шу сабабдан Жомий мазкур достон учун Шарқ адабиётида ўзигача маснавий-достон битилмаган рамали маҳбун вазнини танлади. Иккинчидан, “Субҳат ул-аброр” фалсафий йўналишдаги достон эди ва бундай достонлар учун хафиҳ баҳридан фойдаланиш анъанаси Жомийгача мавжуд эди. Лекин Жомий мазкур достонда хафиҳ баҳрини қўллай олмасди, чунки унинг аввалроқ яратилган яна бир фалсафий йўналишдаги достони “Силсилат уз-захоб” (1472) да шу шеърий ўлчов қўлланилган эди [Афсанход, 1988: 58]. Шу сабабли Жомий ўз фалсафий хулосалари жамланган “Субҳат ул-аброр” достонини ноанъанавий рамали маҳбун вазнида яратади<sup>3</sup>.

Рамали маҳбун вазни оҳанг жиҳатидан ҳам, тузилиш жиҳатдан ҳам хафиҳи маҳбун вазнiga ўхшаб кетади. У ҳам худди хафиҳ сингари 8 та ритмик вариациядан иборат. Қиёслаш учун куйидаги жадвални келтирамиз:

№	Рамали маҳбун			Хафиҳи маҳбун		
	I рукн	II рукн	III рукн	I рукн	II рукн	III рукн
1.	— V --	V V --	V V -	— V --	V — V -	V V -
2.	— V --	V V --	V V ~	— V --	V — V -	V V ~
3.	— V --	V V --	— —	— V --	V — V -	— —
4.	— V --	V V --	— ~	— V --	V — V -	— ~
5.	V V --	V V --	V V -	V V --	V — V -	V V -
6.	V V --	V V --	V V ~	V V --	V — V -	V V ~
7.	V V --	V V --	— —	V V --	V — V -	— —
8.	V V --	V V --	— ~	V V --	V — V -	— ~

Агар эътибор қаратиладиган бўлса, ҳар иккала вазн бўғин миқдори жиҳатидан ўзаро тенг эканлиги маълум бўлади. Биринчи ва учинчи рукнлардаги бўғинларнинг сифати ҳам бир хил. Фақат иккинчи рукнда: рамали маҳбун вазни иккита қиска, иккита чўзиқ бўғиндан иборат, хафиғфа эса қисқа ва чўзиқ бўғинлар ўзаро алмашиниб қўлланилади. Буларнинг барчаси бу икки баҳр орасидаги ритмларнинг ҳам ҳамоҳанглигини таъминлайти.

Бундай ўхшашиблик эса бевосита Абдураҳмон Жомийнинг фалсафий йўналишдаги “Субҳат ул-аброр” достони учун рамали маҳбун вазнини танлашига олиб келган деб айтиш мумкин.

Абдураҳмон Жомий бешлигидаги учинчи достон “Юсуф ва Зулайҳо” деб аталиб, 1483 йилда яратилган. Низомий бешлигига бундай мавзу ва сюжетдаги достон учрамайди. Жомий “Хусрав ва Ширин” мавзусидаги анъанавий достон яратишдан воз кечиб, Қуръонда “аҳсан ул-қисас” – “қиссаларнинг сараси” деб таърифланган Юсуф қиссаси баёнига бағишиланган “Юсуф ва Зулайҳо” достонини яратади.

---

аср вақт ўтиб яратилган Мухаммад Солихнинг “Шайбонийнома” достони биз юқорида тилга олган вазнда ёзилган бўлиб, Фитрат ўзининг “Мухаммад Солих” маколасида достонда қўлланилган ушбу вазн унинг “муваффакиятсизлиги”га сабаб бўлган деб хисоблайди: “Асар учун қабул килинган вазн “Рамали мусаддаси маҳбун” урушга оид мавзуларга муносиб оҳангдан маҳрумдир. Отларнинг чопишида, киличларнинг шакиллашида, ботирларнинг қичкиришида бўлған хайбатли оҳангни бу вазнда сиғдирмоқ мумкин эмас” [Фитрат, 2000: 80].

<sup>3</sup> Бу жиҳат кейинчалик турк адабиётида анъана тусини олди. Тўлиқ бешлиқ муаллифи сифатида танилган Яҳёбай Тошлижолининг 1550 йилда яратилган “Ганжинаян роз” достони Жомий достони сингари 40 бўлимдан иборат бўлиб, унда айнан биз фикр юритаётган рамали маҳбун вазни қўлланилган [Араслы, 1980: 206]. Худди шу ҳолат яна бир турк шоири Навизода Атоийнинг “Сұҳбат ул-абкор” (1525) достонида ҳам кўзга ташланади [Бертельс, 1962: 214; Араслы, 1980: 206 ].

Шарқ адабиётида бу мавзу алохидә йўналишни ташкил этади. Абдураҳмон Жомийгача форс-тожик адабиётида Абулқосим Фирдавсий<sup>1</sup>, Амъақ Бухорий, Абулмуайяд Балхий каби ижодкорларнинг мазкур мавзуга мурожаат қилганлари ҳақида манбаларда маълумотлар учрайди [Самарқандй. 1371:112].

Жомийшунос А. Афсаҳзод форс-тожик шоирларидан Масъуд Ҳиротий (1220 в.э.) ва Шоҳин Шерозий (XIV аср)ларнинг ҳам бу мавзуда маснавий-достон битганликларини таъкидлаб ўтади [Самарқандй, 1371:63].

Абдураҳмон Жомий юқорида тилга олинган достонлардан қай даражада фойдаланганлиги ҳақида маълумотга эга эмасмиз. Лекин Жомийнинг мазкур достони бу йўналишда яратилган достонлар орасида алохидә ўрин эгаллади. Унгача бу мавзуда яратилган достонлар мутакориб баҳрида битиларди<sup>4</sup>. Жомий ўзигача мавжуд форс-тожик эпик поэзиясида ишқий достонларни ҳазажи маҳзуф вазнида битиш анъянасини ўз достонига олиб кирди. Достондан олинган бир байтни тақтиби билан кўриб чиқсан:

*Чи хуши вакт-те|ву хур-рам рӯ|з-го-ре  
V - - - V - - - V - -  
Ки ё-ре бар | ху-рад аз вас| ли ё-ре.  
V - - - V - - - V - -*

Абдураҳмон Жомийдан кейин форс-адабиётида бу мавзуда яратилган деярли барча достонларнинг ҳазаж баҳрида яратилганлигини кўрамиз.

Абдураҳмон Жомий “Хамса”сидаги тўртинчи достон “Лайли ва Мажнун” мавзусига бағишлиланган бўлиб, 1483 йилда яратилган. Достон барча жиҳатлари, жумладан қўлланилган вазни: ҳазажи мусаддаси ахраби мақбузи маҳзуф (руқнлари ва тақтиби: мағъбулу мафоилун фаувлун -- V V - V - V --) билан ҳам Низомий достонига жавобдир:

*Ҳар-чан-д| ки иши-қ дар| д-нок аст  
- - V V - V - V - -  
О-со-йи | ши си-на-ҳо| и пок аст.  
- - V V - V - V - -*

“Хамса”даги сўнгги – бешинчи достон “Хирадномаи Искандарий” ҳам Жомийнинг анъянага риоя этиши билан характерланади, у шу типдаги достонлар яратиладиган мутакориби мусаммани маҳзуф (руқнлари ва тақтиби: фаувлун фаувлун фаулун фаал V - - V - - V -- V - ) вазнида яратилган:

*Шиносо | иши таъри | хҳои | куҳан,  
V - - | V - - | V -- | V -*

*Чунин рон| дааст аз |Сикандар| сухан.  
V - - | V - - | V - - | V -*

Кўринадики, Абдураҳмон Жомий яратган маснавий-достонлар орасида фалсафий йўналишдаги достонлар етакчи ўринда туриши билан характерланар экан. Мавзу ва гоявий йўналиш ўзгариши билан боғлиқ бу ҳолат достонлардаги шеърий ўлчовларнинг ҳам ўзгаришига олиб келди. Жомий ҳатто Искандар воқеаси билан боғлиқ “Хирадномаи Искандарий” достонида ҳам асосий эътиборни Искандарнинг юришларига эмас, балки унинг донишмандлигига қаратади, буни асар номланиши ва қўйидаги мисралар ҳам тасдиқлаб турибди:

*Хираднома з-он ихтиёри ман аст  
Ки афсонахонӣ на кори ман аст.*

<sup>1</sup> Адабиётшуносликда Фирдавсийга нисбат бериладиган “Юсуф ва Зулайҳо” достонининг муаллифи масаласида баҳсли фикрлар мавжуд. Якин йилларгача бу достон Фирдавсий қаламига мансуб деб келинади. Шарқшунос олим А. Тоҳиржоновнинг бу масалага бағишлиланган маҳсус мақоласи ҳам бор [Тагирджанов, 1979: 95-96]. Лекин сўнгти изланишлар мазкур фикрнинг янглиш эканлигини кўрсатяпти. Тожик адабиётшунослигига Фирдавсийга нисбат бериладиган “Юсуф ва Зулайҳо” достонининг муаллифи XI аср шоири Омоний деган сўнгти тўхтамга келинди [Афсаҳзод, 1988: 63].

<sup>4</sup> Юқорида саналганлардан факат Амъақ Бухорийнинг достони рамал баҳрида яратилган бўлиб, уни сарій баҳрига мослаб ўкиш ҳам мумкин бўлган.

Демак, юкоридагилардан маълум бўляптики, Жомийнинг анъанавийликдан вазн нуқтаи назаридан чекинганлигига Низомий бешлигидаги сюжет ва мавзуларни ўз шахсий позицияси (дунёқараш ва турмуш тарзи) билан боғлиқ ҳолда ўзгартирганлиги ва энг асосийси анъанадан узоклашиш тамойилининг Жомийгача мавжудлиги сабаб бўлар экан.

Туркий адабиётдаги хамсанависликка муносабат ҳам кўп жиҳатлари билан форс адабиётини эслатади. Алишер Навоий бешлиги яратилгандан кейин орадан ярим аср вақт ўтмай, хамсанавислик анъанасидан узоклашиш ҳоллари учрай бошлади. Бу хусусият, айниқса, усмонли турклар адабий муҳити учун хос эканлиги билан характерланади. “Қайд этмоқ лозимдирки, турк адабиётида “Хамса” ёзмоқ анъанаси бирмунча фарқли инкишоф этди ва турк шоирлари ўз “Хамса”ларидаги достонлар мавзуларининг ўзгачалиги билан Низомийдан фарқландилар” [Араслы, 1980: 80].

Табиийки, бу фарқланиш “Хамса” достонлари учун танланган вазнларда ҳам кузатилади, хусусан, тўлиқ бешлик муаллифи Ҳамдулоҳ Ҳамдийнинг 1500 йилда яратилган “Лайли ва Мажнун” достони шу типдаги достонлар яратиладиган вазнда бўлмай, Низомийнинг “Хусрав ва Ширин” достони ёзилган ҳазажи маҳзуф вазнида яратилган. Уша давр адабиётининг яна бир йирик вакили Лорендели Ҳамдийнинг шу номдаги достони ҳам мазкур вазнда ёзилган.

Ҳазажи маҳзуф вазнининг халқона оҳангга яқин туриши турк шоирларининг мазкур вазнга кўпроқ мурожаат қилишларига олиб келган бўлиши мумкин, зоро бу давр адабиётида халқ оғзаки ижодининг таъсири кучлироқ сезилади, “турк шоирлари Низомий мавзусини ишларкан, ўз салафларининг асарларини тақорор этмадилар, турк халқ оғзаки ижодидан олинган мотивлар билан уни қайта ишладилар” [Араслы, 1980: 81].

XVI аср турк адабиётининг йирик вакили Яхёбей Тошлижолининг хамсанависликка муносабати ҳам ўзига хос. Бу ижодкорнинг бешлиги 1550–1551 йиллар оралиғида яратилган бўлиб, “Гулшан ул-анвор”, “Ганжинаи роз”, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Шоҳ ва гадо” ва “Усулнома” достонларидан иборат. Адабиётшуносликда Тошлижолининг “Гулшан ул-асрор”, “Ганжинаи роз” ва “Усулнома” достонларининг ҳар учаласи ҳам Низомий “Махзан ул-асрор”ига жавоб тарзida вужудга келган деган қараш бор [Араслы, 1980: 91]. Лекин “Ганжинаи роз”нинг яратилишида Низомий достонидан кўра Жомий “Субҳат ул-аброр”ининг таъсири кучлироқ сезилади. Достоннинг композицион қурилиши (Жомий достони сингари 40 мақолатдан иборат эканлиги) ва унда кўлланилган шеърий ўлчов ҳам фикримизни тасдиқлайди. Муаллиф ушбу достонида Низомий ва Дехлавийлар қаторида Абдураҳмон Жомийнинг номини ҳам алоҳида эҳтиром билан ёдга олади:

*Ярашур Чамији ербаби низам,  
Олса зеррин налеҳ ол баға мудам.*

Умуман, Яхёбей Тошлижолининг хамсанависликка муносабати кўп жиҳатдан Жомийни эслатади, хусусан, унинг достонларида фалсафий йўналишга кўпроқ ургу берилганлиги ва Юсуф пайғамбар қиссасига доир алоҳида достон яратганлиги мазкур муаллифнинг бешлик яратишда Низомийдан кўра кўпроқ Жомийга эргашганлигини кўрсатади. Бу икки ижодкор бешлигидаги ўзаро ўхшаш жиҳатлар ҳакида тўлиқроқ тасаввур ҳосил бўлиши учун куйидаги жадвални келтирамиз:

№	Жомий бешлигидаги достонлар	Тошлижоли бешлигидаги достонлар
1.	“Тухфат ул-аҳрор”	“Гулшан ул-анвор”
2.	“Субҳат ул-аброр”	“Ганжинаи роз”
3.	“Юсуф ва Зулайҳо”	“Юсуф ва Зулайҳо”
4.	“Лайли ва Мажнун”	“Шоҳ ва гадо”
5.	“Хирадномаи Искандарий”	“Усулнома”


Энди шу достонларда кўлланилган шеърий ўлчовларни ҳам қиёсласак:

№	Жомий бешлигидаги кўлланилган вазнлар ва уларнинг тақтиби	Тошлижоли бешлигидаги кўлланилган вазнлар ва уларнинг тақтиби
1.	“Тухфат ул-аҳрор” сарий баҳри	“Гулшан ул-анвор” сарий баҳри

	–VV– –VV– –V–	–VV– –VV– –V–
2.	“Субҳатул аброр” рамали маҳбун – V – – VV – – VV –	“Ганжинаи роз” рамали маҳбун – V – – VV – – VV –
3.	“Юсуф ва Зулайҳо” ҳазажи маҳзуф V – – V – – V –	“Юсуф ва Зулайҳо” ҳазажи маҳзуф V – – V – – V –
4.	“Лайли ва Мажнун” ҳазажи ахраб – – V V – V –	“Шоҳ ва гадо” ҳазажи ахраб – – V V – V –
5.	“Хирадномаи Искандарий” мутақориб баҳри V – – V – – V –	“Усулнома” мутақориб баҳри V – – V – – V –

Кўринадики, Яҳёбей Тошлижоли бешлиги ҳам Жомий бешлиги сингари 3 та фалсафий йўналишдаги ва иккита ишқий достондан иборат.

Юқоридаги ҳолатлардан келиб чиққан ҳолда форс–тожик адабиёти ва туркий адабиётдаги хамсанависликка муносабатни қўйидаги фонда кўриш мумкин:



Бунда Хусрав Дехлавий ва Алишер Навоий хамсанависликка муносабат билдираётган биринчи ижодкорлар, Ҳожу Кирмоний ва Ҳамдуллоҳ Ҳамдий – анъанага мавзуу ва вазн нуқтаи назаридан ўзгача муносабат тамойилининг вужудга келтирувчилари, Абдураҳмон Жомий ва Яҳёбей Тошлижоли хамсанависликда юкори мавқега ва ўзига хос позицияга эга бўлган ижодкорлар.

Демак, юқоридагилардан маълум бўляптики, “Ҳамса” 1170-1203 йилларда Низомий Ганжавий томонидан вужудга келтирилди, форс-тожик адабиётида унга биринчи жавоб Хусрав Дехлавий, ўзбек адабиётида эса Алишер Навоий томонидан амалга оширилди. Бу икки муаллиф хамсанависликка муносабат билдираётган биринчи ижодкорлар бўлганликлари учун хамсанависликнинг барча шартларига амал қилдилар, хусусан, олдиндан белгилаб қўйилган мавзуу ва шеърий ўлчовларни тўлалигича сақлаб қолдилар.

Дехлавийдан кейин форс-тожик адабиётида Ҳожу Кирмоний, туркий адабиётда эса Навоийдан кейин Ҳамдуллоҳ Ҳамдийлар “Ҳамса” достонлари мавзулари ва шеърий ўлчовларини ўзгартирдилар.

XV асрнинг иккинчи ярмига келиб, Ҳиротда Абдураҳмон Жомий бешлик таркибиға янги мавзу ва вазнларни олиб кирди. Орадан чорак кам бир аср вақт ўтмай, Яхёбей Тошлижоли Абдураҳмон Жомий анъанасини давом эттириб, турк адабиёти хамсанавислигига янги мавзу ва вазнларнинг кириб келишига сабабчи бўлди. “Хамса” таркибиға янги сюжет ва мавзуларнинг олиб кирилиши ўз навбатида достонлардаги шеърий ўлчовнинг ҳам ўзгаришига олиб келяптики, бу ҳолат вазн ва мазмун ўртасида уйгунлик борлигидан далолатdir.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Алиев Г. Темы и сюжеты Низами в литературах народов Востока. – М.: Наука, 1985.
2. Араслы Н. Низами ва турк эдабияти. – Бакы: Элм, 1980.
3. Афсахзод А. Лирика Абд Ар-Рахмана Джами.– М.:Наука, 1988.
4. Бертельс Е.Э. Низами и Физули.– М.: Наука, 1962. – С. 214.
5. Имомназаров М. Жомий “Хамса” ёзганми? // ЎЗАС. – 2005. – 16 дек.
6. Чомий. Осори мунтахаб. Ч. 1-5. – Душанбе: Ирфон, 1964.
7. Конрад Н.И. Запад и Восток. – М.: Главная редакция Восточной литературы, 1972.
8. Навоий Алишер. Хамсат ул-мутаҳайирин. МАТ. 20 томлик. – Тошкент: Фан, 1999. Т. 15.
9. Самарқандӣ Давлатшоҳ. Тазкират уш-шуаро. – Техрон, 1371 (форс тилида).
10. Тагирджанов А. Фирдавси. – М.: Наука, 1979.
11. Фитрат Абдурауф. Танланган асарлар. Ж.2. Мухаммад Солих. Нашрга тайёрловчи ва изоҳлар муаллифи Ҳ.Болтабоев. – Т.: Маънавият, 2000.
12. Эркинов А. Алишер Навоий “Хамса”си талқинининг XV-XX аср манбалари: Филол. фан. док. дисс... – Тошкент, 1988.

### **СУФИЙСКИЕ МОТИВЫ В ПОЭМЕ «ЮСУФ И ЗУЛЕЙХА» АБДУРРАХМАНА ДЖАМИ**

*Элбоев Вафо Джусуракулович,  
доктор филологических наук, профессор  
кафедры теории и истории литературы  
Таджикского государственного  
педагогического университета  
имени Садриддина Айни*

#### **Annotation**

Abdurahmon Jomi is one of the greatest poets of XV century which left huge literary heritage after himself. «Seven thrones» indubitable is masterpiece of Persian and Tajik and world literature. According to most of orientalists and philologists the poem «Yusuf and Zulaikho» is one the prominent poems. Abdurahmon Jomi emphasized the topic of ground and divine love in this poem. Thesufi motif takes an important place in the poem of «Yusuf and Zulaikho».

**Key words:** poem, Yusuf, Zulaikho, Jomi, plot, motif, sufism, God, love, composition.

Поэма «Юсуф и Зулейха» Абдурахмана Джами состоит из 77 глав, написана метром шестистопный усеченный хазадж, парадигма которого следующая: мафоъилун мафоъилун мафоъил или мафойл. При создании этой поэмы Джами не вышел за рамки коранического сюжета, лишь кое - где внес незначительные дополнения.

«Юсуф и Зулейха» Джами, как и другие поэмы персидско-таджикской литературы, начинается с молитв, словословия и дифирамбов всевышнему и его посланнику, пророку Мухаммаду. Первые 10 глав (415 байтов) поэмы относятся к теме «Причина написания книги». Поэма Джами начинается байтом:

Илоҳӣ гунчай умед бикшой,

Гуле аз равзай ҷовид бинмой. [Джами, 1988:137]

О боже, раскрой бутон надежды,

Цветок из сада бессмертия покажи.<sup>13</sup>

<sup>13</sup> Стихи приведены в подстрочном переводе автора статьи.

## МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	4
---------------	---

### I. Темурийлар даврида яратилган “Хамса”ларнинг компаративистик тадқиқи

Валихўёсаев Б.	“Хамса” ёзиш анъанасига Алишер Навоийнинг муносабати.....	6
----------------	--	---

<i>Muxiddinov M.</i> “Хамса”ларнинг биринчи достонларида Ҳазрати Пайгамбар сиймоси тасвири.....	10
<i>Abduqodirov A.</i> Абдуллоҳ Хотифий “Хамса”си.....	18
<i>Жабборов Н.</i> Низомий Ганжавий ва Алишер Навоий “Хамса”ларида ижод концепциясининг ўзига хослиги.....	22
<i>Khan Hasnain Aaqib.</i> Khamsa-e-Khusrow and Khamsa-e-Nizami: a comparison. ....	28
<i>Almaz Ülvi (Binnatova), Ruhşanə Vasiyeva.</i> Өбдүррәхман Caminin “Xirədnameyi-Iskəndəri” əsəri.....	38
<i>Сулаймонов М.</i> Қиссайи .Фарҳод шўрангиз эрур.....	45
<i>Султанов Т., Рузманова Р.</i> Низомийнинг «Махзан ул-асрор» ва Навоийнинг «Ҳайрат ул-абброр» достонларида муножотлар таҳлили.....	48
<i>Исмоилов И.</i> «Садди Искандарий» композициясининг компаративистик таҳлили.....	51
<i>Qahhorova Sh.</i> “Mantiq ut-tayr” va “Lison ut-tayr” dostonlarida ISHQ talqini.....	57
<i>Otaylorova U.</i> Iskandar haqidagi sujetning paydo bo‘lishi.....	59

### II. Шарқ маснавийнавислиги тарихи ва тараққиёти адабий таъсир ва типология масалалари.

<i>Олимов С.</i> Тасаввуфий тавба типологияси (“Лайли ва Мажнун” ҳамда “Лисон ут-тайр” қиёси асосида).....	62
<i>Ҳамроев Ж.</i> Мир Алишер Навоий ва форс-тожик адабиёти.....	65
<i>Шарипов Ш., Калонова М.</i> Низомий Ганжавийнинг “Хамса” ижод қилишдаги адабий маҳорати .....	68
<i>Сулаймонов И.</i> Қорий Хўқандийнинг Алишер Навоий ғазалига мухаммаси таҳлили .....	71
<i>Akhmedova S.</i> Traditions of Fizuli in creativity of members "Mejmeush-shuara".....	75
<i>Мухиддинова Б.</i> Алишер Навоий ва Саидахмад Васлий ижодида маърифий ғоя ҳамда бадий муштараклик.....	78
<i>Muhammadiyev A.</i> Traditions of the naqshbandi sect in the works of Alisher Navoi.....	81
<i>Холиқулова Г.</i> Мирий маснавийлари.....	84
<i>Сувонова Ж.</i> Мумтоз достончилик анъаналарининг ўзбек шеъриятидаги бадий талқини.	87
<i>Тожибоева О.</i> Таржеъбанди хомиса” “Хамса”га издошлик маҳсули .....	92
<i>Мухитдинова Н.</i> Алишер Навоий “Хамса” достонлари мумтоз анъаналарининг Мирҳасан Садоий ижодидаги бадий талқини.....	96
<i>Хасанова М.</i> Мумтоз эпик поэзия таркибида учровчи мадҳларнинг туркий қасидалар тараққиётида тутган ўрни.....	97
<i>Қосимова Г.</i> Бобур ва мумтоз достоннавислик.....	101
<i>Шукуров Ф.</i> Амир Темурнинг адабиёт аҳлига муносабати.....	102
<i>Муминова Д.</i> Мумтоз адабиётимизда маснавийнавислик ва номанависликнинг ўрни.....	106

### III. XV аср Ҳуросон адабий муҳити ва унда Жомий ҳамда Навоийнинг мавқеи.

#### Абдураҳмон Жомий адабий мероси.

<i>Homidov D.</i> Abdurrahmon Jomiydan Alisher Navoiyga yozgan maktublar tilining ayrim xususiyatlari.....	109
<i>Холмуродов А.</i> Икки миллатнинг улуғ сиймолари.....	112
<i>Юсупова Д.</i> Усмонли турклар ҳамсанавислигига абдураҳмон жомий анъаналари.....	116